

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

У.Саидов-ҚМШИ, талаба

Ишсизлик ҳозирги вақтда жамиятнинг энг актуал муаммоларидан бири ҳисобланади. Юқори даражадаги ишсизлик, мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ва натижада аҳоли даромадларининг пастлигини кўрсатади. Бу эса ижтимоий соҳа, оилавий муносабатларда вазиятнинг кескинлашуви ва жамият микёсида норозиликнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Ишсизлик шундай ходисаки, унда ишчи кучи иқтисодий фаол аҳолининг бир қисми сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бўлмайди. Ҳаётда ишсизлик ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши тарзида намоён бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик дейилганда, ишчи кучининг иш жойи билан таъминланганлик ва натижада унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян (аниқ) ҳолатга айтилади.

Иқтисодиёт фани учун ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолини иш билан таъминлаш бандлигини таъминлаш орқали мамлакат (корхоналар) ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистонда ишсизлик тушунчаси расман 1992 йили «аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг қабул қилиниши билан меъёрий кучга эга бўлди. «Унга кўра 16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (мехнат даромади)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган, мехнат қилишга, касбкор тайёргарлиги ва қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр шахс сифатида иш билан таъминлаш давлат хизматларида рўйхатга олинган ва шу хизматлар мақбул келадиган ишни таклиф қилмаган, лекин мехнат лаёқатли шахслар ишсизлар деб эътироф этилади».

Фуқарони ишсиз шахс деб эътироз этиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги тўртта шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт - фуқаро мехнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак.

Иккинчи шарт - фуқаро ишга ва иш ҳақи (мехнат даромадга) эга бўлмаслиги лозим.

Учинчи шарт - фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий мехнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиш, белгиланган муддатларда мехнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва мехнат органлари томонидан таклиф

қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди. Хомиладор аёллар, уларнинг хомиладорлик даври 28 ҳафтадан ошмаган бўлса, улар меҳнатга қобилиятли деб ҳисобланадилар ва хомиладорликнинг бу даврида ишсиз шахс деб эътироф этилишлари керак.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Келиб чиқиш мазмунига кўра ишсизлик икки турга, табиий ва мажбурий ишсизликка бўлинади. Табиий ишсизлик ишчи кучи ҳаракати ва унинг маълум бир жамият аъзоси сифатидаги меҳнат ҳуқуқига алоқадор бўлган иш билан банд бўлмаганлик ҳолатига айтилади. Мажбурий ишсизлик эса ишсизликнинг ишчи кучига алоқадор бўлмаган ҳолда келиб чиқишини тавсифлайди.

- фракцион ишсизлик ишчи кучига бўлган тақлиф умумий таркибининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, унинг тармоқлар бўйича тақсимланишининг ўзгаришига олиб келади. Бу одатда баъзи касблар ва тармоқларнинг пайдо бўлиши, баъзиларнинг йўқолиши, гоҳида эса тармоқлардаги иқтисодий кризис туфайли меҳнат захираларининг қайта тақсимланиши билан боғлиқ.

- даврий ишсизлик иқтисодий тушкунликнинг муайян даврида (ишлаб чиқаришнинг пасайиши) юзага келадиган ишсизликдир. Бундан ташқари, институционал, иқтисодий ва яширин ишсизликлар ҳам мавжуд. Ишсизлик таркиби унинг сабабларига кўра ишчи кучининг тўрт асосий тоифасини ўз ичига олади: ишдан бўшатилиши натижасида ўз иш жойини йўқотганлар, ишдан ихтиёрий равишда бўшаганлар, танафусдан сўнг меҳнат бозорига келганлар, меҳнат бозорига биринчи бор келганлар.

Аҳолини бандлигини ошириш учун ҳар йили мамлакатимизда амалий чора-тадбирлар амалга оширилади, жумладан бу муаммо 2009 йилда ҳам энг муҳим устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш билан аҳоли бандлигини ошириб борилмоқда. Буни биз қуйидаги рақамлардан кўришимиз мумкин, ўтган 2008 йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Ишсизликни камайтиришнинг иқтисодий тадбирларидан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни барпо этишдир. Бу ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг микёсини оширишга қаратилган бўлиши керак, бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий техникавий технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, янги ноқилиқ хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш,

ишловчилар моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона солиқлар оркали эришиш мумкин.

Мухим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш саноатининг асосий маҳсулотларига талаб ва таклифга асосан истиқбол кўрсаткичларини белгилаш, ёш болали ва кўп болали оналарни, нафақахур ва ногиронларни кафолатлаштирилган иш жойлари билан таъминлаш ҳамда турли ижтимоий иқтисодий имтиёзлар бериш оркали уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ҳамда иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш киради.